O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 17 апрель №79-80 (3354-3355) Шанба

## Ўзбекистон — Россия:
# УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 апрель кунлари амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди*



Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифидан асосий мақсад икки томонлама муносабатларга доир қатор долзарб масалаларни муҳокама этиш ва Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда террорчилик, экстремизм, наркобизнес каби халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашишдан иборат эди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ново-Огарёво қароргоҳида ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон — Россия муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳамкорлик тамойилларига асосланишини таъкидлади. Ҳозирги кундаги долзарб вазифа эса Президентларнинг учрашувларида эришилган натижаларни амалиётга янада кенг татбиқ этиб, муносабатларнинг мазмунини амалий жиҳатдан бойитишдан иборатдир. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш хусусидаги ҳамфикрлиги бунинг учун энг муҳим асослардан биридир.

Президентлар кўплаб халқаро масалалар борасида ҳам фикрдош.

Бу ўзаро муносабатлар изчиллик касб этганида ҳам яққол кўринади. Ўтган йили Ислом Каримов Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига борган бўлса, Владимир Путин Самарқандга келди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари икки томон учун ҳам устувор саналган барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Алоқалар халқаро тузилмалар доирасида ҳам кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва Россия МДҲ ва ШҲТ бўйича ҳам бир-бирига ишончли шерик. Ислом Каримов ва Владимир Путин ШҲТ фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Владимир Путин Россия Президенти лавозимига қайта сайланиши мамлакатда барқарорлик мустаҳкамлиги ва халқнинг амалдаги сиёсатга ишончи юқори эканидан далолатдир, деди Ислом Каримов. Юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ушбу мамлакатда кескин қораланганини ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш таклиф қилингани Ўзбекистон ва Россия мазкур иллатга қарши биргаликда курашишдан бирдай манфаатдор эканининг яна бир ифодасидир. Марказий Осиё ва бевосита Ўзбекистонда юз бераётган воқеаларга Россиянинг муносабати ва ёндашуви биз учун муҳим.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россиянинг стратегик ҳамкорлигини яқин орада расмийлаштиришга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидладилар.

Ўзбекистонда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан кейин келган телеграммалар, таъзияномалар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар терроризмга қарши курашда биз ёлғиз эмаслигимизни яна бир бор тасдиқлади, деди Ислом Каримов.

Президентлар савдо-иқтисодий алоқаларда эришилган натижаларни таҳлил этиб, келгусида бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалаларни муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Аммо Ўзбекистон ва Россиянинг имкониятлари бу кўрсаткич доирасидан анча юқоридир.

Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг ўтган йил августда Самарқандда бўлиб ўтган учрашувида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясига савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини бугунги шароит нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Шундан кейин савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Россия ёқилғи-энергетика мажмуи вакилларининг Россия Олий тоғ-кон кенгаши раиси, "Россия нефть-газ саноатчилари иттифоқи" кенгаши раиси Юрий Шафраник раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистонга келди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон — Россия иқтисодий муносабатларида ёқилғи-энергетика соҳаси устувор ўринлардан бирини тутади. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Газпром" очиқ акционерлик жамияти ўртасида стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланган. Унга биноан Россияга экспорт қилинаётган Ўзбекистон гази миқдорини 2006 йилда 10 миллиард

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига

*Азиз дўстлар!*

*Сизларни "Ўзбекистон металлургия комбинати" ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатингиз, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига қўшаётган бебаҳо ҳиссангиз учун Сиз, бирлашма меҳнат жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман.*

*Бугунги кунда мамлакатимиз эришган ютуқларда "Ўзбекистон металлургия комбинати"нинг алоҳида ўрни бор ва у саноатимиз тараққиётида белгиловчи роль ўйнамоқда. Мартен цехини ишга тушириш билан ўз тарихини бошлаган бирлашма ҳозирга келиб муттасил ривожланиб бораётган улкан корхонага айланди. Бу корхона ҳар йили амалда барча тармоқлар учун зарур бўлган 500 минг тоннага яқин тайёр прокат ишлаб чиқармоқда.*

*Бекободлик металлурглар жонажон комбинати Ўзбекистон оғир саноатининг етакчи корхонаси эканлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Айниқса ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, сизларнинг ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини фақат сақлаб қолмасдан, балки уни юксалтира олганингиз таҳсинга сазовордир. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтира бориб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш дастурини рўёбга чиқариб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.*

*Мустақиллик йиллари мобайнида комбинат мамлакатимиз бозорида ва хорижий металл прокат ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда. Сизлар электрда пўлат эритиш комплексини реконструкция қилиш ишларини якунлаб, энг илғор технологияларга таянган ҳолда комбинатни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни давом эттираётганингиз, ўзингизни бозор муносабатлари шароитида тобора дадилроқ ҳис этаётганингиз менга қувонч бахш этади.*

*Шулар қаторида комбинат меҳнат аҳли ўз корхонасининг Бекобод шаҳри ҳаётида ўзига хос муҳим ўрин тутишини англаб, ижтимоий соҳани ҳам изчил ривожлантириб бораётгани, аҳолининг самарали меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун шарт-шароитларни вужудга келтираётгани диққатга сазовордир.*

*Бу ерда ўтган йиллар мобайнида кўп миллатли аҳил, иноқ жамоа ва унда фуқаролик бурчини чуқур ҳис қилиш, уни юракдан адо этишга, Ватанга наф келтиришга интилиш каби бирлашма меҳнаткашларига хос олижаноб фазилатлар шаклланди. Шу боисдан ҳам комбинат меҳнат аҳли энг мураккаб вазифаларни уддалашга қодир бўлиб, эл-юртимиз ҳурматини қозонмоқда. Ҳозир бу ерда кўп йиллардан буён ўз тақдирини ушбу корхона билан боғлаган одамлар, меҳнат сулолалари фаолият кўрсатиб, ўзларининг юксак маънавий қадрият ва инсоний фазилатларга асосланган ҳаёт тажрибаси ва касб маҳоратини ёшларга сингдирмоқда. Жамоангизнинг ғоят катта бунёдкорлик кучи мана шунда ва бу эса янги меҳнат зафарларига эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.*

*Ишончим комилки, сизлар учун бугунги шонли сана — қўлга киритилган ютуқларга якун ясаш, уларни таҳлил қилиш палласи бўлиб қолмасдан, мавжуд муваффақиятларни мустаҳкамлаш, келгуси ривожланиш истиқболларини белгилаб олиш имкониятини беради.*

*Қадрли дўстлар, сизларнинг ажойиб жамоангизни яна бир бор чин дилдан самимий қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, хонадонларингизга қут-барака, эзгу ишларингизни амалга оширишда зафарлар тилайман. Сизларга омад ёр бўлсин, ҳалол ва фидокорона меҳнатингиз доимо самара ва қувонч келтирсин.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизнинг металлургия саноатини ривожлантириш, иқтисодий қудратини юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими"**

**Муротов Акрамжон** — кислород-компрессор цехининг участка бошлиғи

**Руцкий Вячеслав Федорович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандис ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбари

**Тўйчиев Алим Исмоилович** — электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

**Хасанов Айрат Магарифович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг тижорат ва молия масалалари бўйича ўринбосари

*Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга самарали ҳисса қўшгани, металлургия саноатига илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштиришда эришган ютуқлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Фармонов Александр Қосимович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

**"Меҳнат шухрати" ордени билан**

**Абдураҳмонов Ботирали Исматович** — автомобиль-транспорт цехининг ҳайдовчиси

**Вильмс Пётр Яковлевич** — электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

**Дўсматов Абдумажит Абдусаматович** — 1-навли прокат цехининг вальцовшиги

**Кишкань Любовь Ивановна** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 15 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида Республика ҳукуматининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштириш асосий йўналишларининг амалга оширилиши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.***

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев бошқарди. Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни бажариш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани алмаштириш курсларини унификация қилиш ҳамда унинг конвертациясини жорий этиш, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ўсиш суръатлари 4,8 фоизга ортди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баравар кўп демакдир.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари 8,8 фоизга, шу жумладан машинасозлик ва металлни қайта ишлашда 35,3 фоизга, қора металлургияда 19,1 фоизга, қурилиш материаллари саноатида 15 фоизга, ёнилғи саноатида 9,1 фоизга ошди.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстиришнинг иқтисодий ўсиш билан мувозанатланган суръатлари қишлоқ хўжалигида 106,7 фоизни, чакана савдода 105,1 фоизни ва пулли хизмат кўрсатишда 111,8 фоизни ташкил этди.

Экспорт ҳажми бўйича юқори суръат, яъни 31,5 фоиз таъминланди. Тайёр маҳсулотлар бўйича ўсиш суръати 53,4 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо балanси ижобий сальдоси 335,8 миллион АҚШ долларини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иқтисодиётнинг реал секторига 200 миллиард сўм кредит ресурслари йўналтирилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Қатъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши инфляцияни жиловлаш имконини берди. Унинг даражаси йилнинг биринчи чораги давомида 1,1 фоизгача пасайди. Бу ўтган йилнинг айни давридагидан

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлисда



# Тадбиркорга ким мададкор бўлади?

*қўмита йиғилишида ушбу савол кўндаланг қўйилди*

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси М.Умаралиев олиб борди.

Йиғилишда депутатлар дастлаб парламентимизнинг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларни, жумладан, Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси ҳамда «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Шундан сўнг, йиғилишда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Маълум бўлишича, мазкур Қонун амалга киритилганидан кейин вилоятда унинг моҳияти ва асосий талабларини тадбиркорларга етказиш борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилган. Ўтган йили вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, унинг асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида кичик ва хусусий бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи турли хилдаги бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Қонун ижросини ўрганиш жараёнида бир қатор камчиликлар аниқлангани ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилгану, аммо уни амалга ошириш юзасидан етарли назорат ўрнатилмаган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи мутасаддилар кичик корхоналар тармоқларини ривожлантиришда ва халқаро молия ташкилотларининг имкониятларидан етарлича фойдаланмаётганлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

# МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари вазири Жеймс Роше Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, музокарада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, террорчиликка ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишни кучайтириш ҳамда Афғонистондаги вазиятни янада барқарорлаштиришга оид масалалар муҳокама этилган. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани таъкидланган.

**(ЎзА).**

# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ТЎЙИ

*Мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқларда "Ўзбекистон металлургия комбинати"нинг ҳам салмоқли улуши бор. Мазкур корхонанинг ташкил топганига 60 йил тўлди*

Шу муносабат билан 16 апрель куни Бекобод шаҳрида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бундан 60 йил муқаддам иш бошлаган кичкина цех бугунга келиб улкан ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Корхона ҳар йили халқ хўжалиги тармоқларига 500 минг тоннага яқин тайёр прокат етказиб бермоқда. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтириб, ишлаб чиқариш қувватини ошириб бормоқда.

Корхонанинг тараққиёт йўли, айниқса, мустақиллик йилларида янада ойдинлашди. Комбинат жамоаси чет элларга ҳам маҳсулот экспорт қилмоқда.

Юртбошимиз халқимизнинг бунёдкорлигини, меҳнатсеварлигини доимо қадрлаб келади ва унинг бу фазилатларини энг катта бойлигимиз, деб таърифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ корхонанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Тантанада мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Маросимда сўзга чиққанлар меҳнат аҳлига кўрсатиб келаётган доимий ғамхўрлиги учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

# «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Османов Рустем Усеинович** — электрда пўлат эритиш цехи бошлиғининг ўринбосари

**Холматов Абдуазиз Абдуназарович** — қурилиш-монтаж трести бошқарувчиси

**Йўлдошев Равшан Абдураимович** — металлургия печларини таъмирлаш цехининг ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи

### "Дўстлик" ордени билан

**Аблязизов Эдем Решатович** — 2-навли прокат цехи бошлиғининг янги технологияларни жорий этиш бўйича ўринбосари

**Агнивин Павел Владимирович** — электрда пўлат эритиш цехининг катта устаси

**Арипов Вячеслав Сафаидович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий лабораторияси бошлиғи

**Бадалов Суннат Сайдуллаевич** — 1-навли прокат цехи бошлиғи

**Ёқубов Карим Ғофурович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош иқтисодчиси

**Ким Трофим Владимирович** — электрда пўлат эритиш цехи бошлиғининг механик асбоб-ускуналар бўйича ўринбосари

**Капленко Сергей Трофимович** — назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика цехининг катта устаси

**Копа Николай Валентинович** — 2-навли прокат цехи вальцовшиги

**Курносова Лидия Ивановна** — алоқа ва технологик бошқарувни марказлаштириш цехининг электр монтёри

**Лысенко Александр Семёнович** — электротехника лабораториясининг электр монтёри

**Мадалиев Баҳодир** — мартен цехининг устаси

**Миркурбонов Миркамол Акбарович** — "Тошкент иккиламчи қораметалл" Сирғали цехи кесувчиси

**Халибаев Асан Джепарович** — 1-механика-таъмирлаш цехининг таъмирловчи-чилангари

**Чекалова Людмила Павловна** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-болалар боғчаси мудираси

**Шуваев Борис Яковлевич** — 1-навли прокат цехи бошлиғининг ўринбосари

### "Шуҳрат" медали билан

**Баратов Умид Усанбаевич** — 2-навли прокат цехининг вальцовшиги

**Дранников Григорий Алексеевич** — 1-навли прокат цехининг оператори

**Завьялов Николай Петрович** — мартен цехининг электр монтёри

**Коровин Владимир Ильич** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислик марказининг техника бошқармаси бошлиғи

**Қодиров Маҳаматхон** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббий-санитария қисмининг врач-отоларингологи

**Мамарасулов Каримжон Раҳматович** — 2-навли прокат цехининг электр монтёри

**Ниёзалиев Матмурод** — темир йўл цехининг тепловоз машинисти

**Ниёзматов Салимбой Шерматович** — электрда пўлат эритиш цехининг таъмирловчи-чилангари

**Содиқова Шакархон Ибрагимовна** — халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг сирловчиси

**Турсунбоев Зокирхон Умарович** — Бекобод саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Тё Виктор** — техник ўлчов асбоблари лабораториясининг бошлиғи

**Хидиралиев Фозилжон** — 1-навли прокат цехининг таъмирловчи-чилангари

**Ҳусаинов Ҳаким** — 1-навли прокат цехининг вальцтокари

**Ҳамроев Рамазон Исанович** — автоматлаштириш ва механизациялаштириш марказий лабораториясининг чилангар-механик йиғувчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 апрель.

## Ўзбекистон — Россия:
# УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

куб метрга етказиш кўзда тутилган. Бу йил кузда "Газпром" билан ҳамкорликда Уст-Юртдаги конларни ўзлаштиришга қаратилган 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани тайёрлаш ниҳоясига етказилиши кутилмоқда. "Лукойл" компанияси ҳам "Ўзбекнефтгаз" билан бирга 996 миллион долларлик сармоявий лойиҳа бўйича шартномани ниҳоясига етказмоқда.

Бундан ташқари, "Алфа-Эко" компаниялари гуруҳи" масъулияти чекланган жамияти умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бир неча сармоявий лойиҳада иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда. "Вим Биль Данн. Продукты питания" компанияси "Тошкентсут" акционерлик жамияти акцияларининг 77 фоизини харид қилиб, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга 20 миллион доллар сарфлаш ниятида. "Промспецимпекс" компанияси эса Тошкентдаги "Фотон" очиқ акционерлик жамияти акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш борасида музокара ўтказмоқда.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка доир янгилик сифатида яқинда Москвада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолият бошлаганини келтириш ўринлидир. Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ("Росзарубежцентр") ваколатхонаси ишлаб турибди. Икки мамлакат олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган, бу ўз самарасини бераётир.

Президентлар мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос ва кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар. Олий даражадаги мулоқотлар, маслаҳатлашувлар ва амалий учрашувларни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида ташриф амалий мақомга эга бўлса-да, Президент В.Путин билан музокара натижаси кутилганидан кўра салмоқли бўлгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар, дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Россия Саноатчилари ва ишбилармонлари иттифоқи раиси Аркадий Волскийни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат саноат корхоналари ва ишбилармон доираларининг бевосита алоқаларини янада ривожлантириш, мазкур иттифоқ билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ушбу учрашув сафар самараси анча юқори бўлганлигини яна бир карра кўрсатди. Унда "Нефтяная компания "Лукойл" очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Россия Савдо-саноат палатаси раиси Евгений Примаков қатнашгани ҳам буни тасдиқлайди.

Мамлакатимиз раҳбари ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги бош директори Виталий Игнатенкони ҳам қабул қилди. Ахборот алмашиш ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунига етди.

Президентларнинг ҳар бир учрашуви барча соҳаларда сезиларли юксалишлар рўй беришига олиб келаётгани аниқ. Ислом Каримовнинг Москвага бу галги сафари Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигида янги босқични бошлаб бериши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Москва-Тошкент.**
**СУРАТДА: ташриф пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қарийб 5 баравар паст демакдир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳосилдорликни ошириш, шартномавий муносабатларни қонуний асосда йўлга қўйиш, қишлоқда яшаётган кишиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини яхшилаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг улуши зарар кўриб ишлагани ва паст рентабеллиги туфайли тугатилган 284 ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган 11,2 минг фермер хўжалиги ҳисобига ортди.

Маъмурий ислоҳотлар натижасида ортиқча бошқарув тузилмалари ва функциялари тугатилди. Натижада қарийб 40 минг бошқарув ходимининг иш ўрни қисқартирилди. Бу эса ўз навбатида ортиқча маъмурий бошқарув бўғинларини ихчамлаштириш ва самарали бошқарув услубини яратиш имконини берди.

Хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини тақсимлашнинг маъмурий тизими тугатилиб, уларни сотишнинг бозор механизмлари жорий этилди. Бу Республика товар-хомашё биржасида биржа савдоси ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравардан кўпроқ ортишини таъминлади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга ошириляпти.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурларида йилнинг биринчи чорагига белгиланган вазифалар тўла бажарилмади. Тендер савдолари ўтказиш, қурилишларнинг аниқ рўйхатларини тасдиқлаш, уларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни кредитлаш механизмларини жорий этиш борасида ҳамон муаммолар бор. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиши лозим бўлган инфратузилма объектларини барпо этиш дастурининг ижроси белгиланган муддатдан орқада қолмоқда.

Мажлисда шулар ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Э.Ғаниев, А.Азизхўжаев, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Бегалиев, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Мажидов, Бош прокурор ўринбосари П.Бобожонов, "Пахта-банк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**



Олий Мажлисда

# Тадбиркорга ким мададкор бўлади?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятдаги мавжуд кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига етарли шароит яратилмаганлиги сабабли уларнинг айримлари ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Айрим туманларда эса шу кунга қадар бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган. Деҳқон ва фермер хўжаликларини техника, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан таъминлашда ҳам сансалорликка йўл қўйилган.

Маълумки, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларга палата мутахассисларини жалб этиш тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Аммо 2003 йил давомида вилоятда ўтказилган текширишларнинг бор-йўғи 47 тасида палата мутахассислари иштирок этган, холос. Жойлардаги айрим туман палаталари ҳамон эскича иш услубига барҳам берганлари йўқ. Зеро, тадбиркорлар палатага эмас, палата ходимлари тадбиркорларга хизмат қилиши керак. Шу маънода, Сурхондарё вилоятида палаталарни замонавий техника ва малакали кадрлар билан таъминлаш муаммосини ечиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Устига-устак, ўтган йил давомида вилоятда мавжуд тадбиркорлик субъектларининг бор-йўғи 10 фоизигина малакасини ошириш ёки ўқишга жалб қилинган. Бу кўрсаткич вилоятда кичик ва хусусий бизнес субъектларини ўқитиш ва қайта ўқитиш тизими бугунги кун талаблари даражасида эмаслигидан яққол далолат беради.

Аслида вилоят ҳокимлиги Тадбиркорлар палатаси ҳамда Деҳқон ва фермерлар уюшмаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар ва деҳқон-фермерларга ҳар жиҳатдан мададкор бўлиши керак эди. Аммо... Шунинг учун бўлиб ўтган қўмита йиғилишида Сурхондарё вилояти ҳокимлигига кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларни таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, маҳаллий солиқлар борасида имтиёзлар яратиш, ахборот-маслаҳат ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилди. Шу билан бирга, вилоятга чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш ва уларга бу соҳада амалий ёрдам бериш лозимлиги, кичик, ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, қонун ҳужжатларида берилган имтиёзлар ва кафолатларни таъминлаш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидланди.

Қўмита йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аждодлар мероси авлодлар эъзозида

Маълумки, ватанимиз мустамлака бўлган йилларда юртимиздаги ноёб осори атиқалар қатори буюк боболаримизнинг нодир қўлёзмалари ҳам чет давлатларга ташиб кетилган эди. Жаҳон маданияти тарихининг бебаҳо ёдгорлиги сифатида дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги музей ва кутубхоналарда сақланаётган бу ҳужжатлар халқимизнинг маданий бойликлари саналади. Уларни излаб топиш ва юртимизга қайтариб олиб келиш бизнинг аждодлар олдидаги бурчимиздир.

Ўзбекистондан четга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги махсус комиссия ана шу вазифани самарали бажариб келмоқда. Масалан, комиссия раиси Н. Иброҳимов ва аъзоси З. Мунавваров яқинда Миср Араб Республикасида бўлиб қайтишди. Улар сафар давомида Мисрнинг Маданий ёдгорликлар олий кенгаши тизимидаги кутубхоналар ва музейларда сақланаётган Ўзбекистонга оид маданий бойликларни ўргандилар. Аждодларимизнинг илмий салоҳиятидан дарак берувчи нодир қўлёзмалардан минг саҳифадан ошиқ кўчирмалар олиб келдилар.

Комиссиянинг парламентда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида даставвал уларнинг шу сафар якунлари бўйича ҳисоботи тингланди. Келтирилган қўлёзмалар нусхалари ватанимиз тарихини, улуғ боболаримизнинг ижодий фаолиятларини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда Камолиддин Беҳзоднинг дўстига йўллаган, ҳозир Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги Осиё жамияти кутубхонасида сақланаётган, мактуби матни шарқшунос олим Фаттоҳ Тешабоев томонидан олиб келингани ҳам маълум қилинди. «Мажмуаи ашъор» тазкирасига киритилган бу нодир хатни буюк мусаввир 1592 йилда Қосим Чеҳра Гўшога ёзган.

— Мактуб мазмуни билан танишган киши Камолиддин Беҳзоднинг нозиктаъб инсон бўлганини англайди, — дейди Ф. Тешабоев.

Йиғилишда махсус комиссиянинг 2004 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси ҳам белгилаб олинди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Муносабат*

# Мусулмонларга қарши кураш жиҳодми? Бу курашда қурбон бўлиш шаҳидликми?

***Сўнгги кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари қатори араб ва мусулмон мамлакатларидаги машҳур "Аш-Шарқ ал-авсат", "ал-Аҳром", "ас-Сиёсий", "ал-Ахбор", "ал-Ҳайат", "ал-Жумҳурия" газеталарида ҳам таниқли сиёсат ва дин арбоблари, журналистларнинг 28-30 март кунлари Тошкент ва Бухорода содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатларига муносабат билдирилиб, уларда дин ниқобидаги бир гуруҳ ғаламисларнинг кирдикорлари қаттиқ қораланмоқда.***

***Қуйида мисрлик сиёсатшунос журналист Муҳаммад Саломанинг "ас-Сиёсий" газетасида эълон қилинган "Мусулмонларга қарши кураш жиҳодми? Бу курашда қурбон бўлиш шаҳидликми?" номли мақоласининг таржимасини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

*Азалдан турли террорчи ва радикал экстремистик гуруҳлар ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун инсонларнинг диний туйғуларидан фойдаланиб келишган. Бунда кўплаб одамлар уларнинг сохта шиорлари ва алдовлари домига тушиб, қандай жиноят кўчасига кириб қолгани ва ўз имон-эътиқодини йўқотганини, афсуски, жуда кеч англайдилар. Лекин ғаламис кучларнинг тубан мақсадларини англаганларидан сўнг бундай ҳолатлар аста-секинлик билан йўқола боради. Бу каби ҳолат Мисрда ҳам кузатилган. Ўз вақтида баландпарвоз "жиҳод" шиорлари остида жамиятга зулм ва катта талофат етказиб, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкканлар эндиликда аччиқ пушаймон чекиб, Оллоҳ ва ўз халқи олдида тавба-тазарру қилмоқда. Шу ўринда бизнинг асосий вазифамиз ана шу қора ниятли тўдаларнинг кирдикорларини фош этиш ва ғояларининг сохта эканини очиб бериш бўлиб қолмоқда.*

### 1. "Жиҳод" тушунчаси

Ҳозирги пайтда халқ орасида турли диний экстремистик гуруҳлар томонидан тарғиб этилаётган ислом ғоялари ва фатволарнинг соф ва мўътадил мусулмончилик аҳкомларига қарама-қарши эканини тўғри тушунтириш асосий вазифалардан биридир. Биринчи навбатда турли радикал диний гуруҳлар худбинлик билан ўзларининг ёвуз сиёсий ниятларини амалга ошириш йўлида "жиҳод" тушунчаси билан ўйин қилаётганларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Шуни айтиб ўтиш керакки, "жиҳод" тушунчаси ислом динини куч ишлатиш ва қон тўкиш орқали тарғиб этиш эмас, балки Ватанни душмандан озод этиш ёки илм истагида талабалик қийинчиликларини бўйнига олиш кабиларни ўз ичига олади. Бироқ экстремистлар бу ҳақда имкон қадар сукут сақлашни афзал билади. Мана шунга кўра, соғлом фикрловчи инсонларда "Ўзбекистонда юқорида зикр этилган "жиҳод" турининг қайси бири долзарб?" деган савол туғилиши табиий. Бирон-бир давлатнинг мустамлакаси бўлмаган, диний ва дунёвий илм олиш учун барча шарт-шароитлар тўлиқ таъминлаб қўйилган бу озод юртга қарши жиҳод қилиш ўзини 90 фоиздан ошиқ аҳолиси мусулмонлардан иборат, йўлбошчиси ҳаниф динимиз исмини олган, Маккаи мукаррамадаги Байтуллоҳни зиёрат қилиб, ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиган муқаддас Каъбанинг ичига кириш шарафига муяссар бўлган Ўзбекистоннинг мўмин халқига қарши қўйиш демакдир.

### 2. "Шаҳидлик" тушунчаси

Айни пайтда Ўзбекистон халқи сохта "жиҳод" шиорларига эргашиб, ўзини ўзи портлатиш орқали ёки ҳар қандай бошқа йўллар билан мусулмонлар ва умуман бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш орқали "шаҳидлик" ёки "ғозийлик"ни даъво қилаётганларга бир овоздан улар аслида ваҳший қотил эканларини очиқ айтмоқда.

Ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган гуруҳларнинг Ўзбекистонда амалга ошираётган қўпорувчилик фаолиятини мусулмончиликни тарғиб этиш ёки мустаҳкамлаш йўлидаги кураш деб айтиб бўлмайди. Зеро, бундай фаолият Қуръони Каримдаги "Динда мажбурлаш йўқ" оятига зид келади. Шу ўринда бир бегуноҳ мусулмонни ўлдирган "шаҳид" ёки "ғозий" эмас, балки жиноятчи қотил, деб ҳисобланиб, ояти каримада зикр этилганидек, барча одамларни ўлдирганнинг гуноҳини олишини эслатиш жоиз.

Ғаламис даъватчиларнинг "бирон бир киши намоз ўқимагани ёки рўза тутмагани сабабли ҳақиқий мусулмон эмас ва шунинг учун жиҳод қурбони бўлиши мумкин", деган сафсаталарига қарши шуни айтиш керакки, инсон Оллоҳнинг ягоналигига шаҳодат келтириши биланоқ мусулмон ҳисобланади. Унинг мўминлигини эса Яратганнинг ўзи белгилайди. Одамларни кофирликда айблаш ёки бошқаларнинг имон-эътиқодини баҳолашга ҳаракат қилишнинг ўзи Оллоҳга шак келтиришга тенг. Бунинг далили сифатида "Оллоҳ қалблардагини билгувчидир" оятини келтиришнинг ўзи кифоя.

"Шаҳидлар ўзининг "шаръий ғазабини" ғайридинларга қаратмоқда", деган сохта шиорлар ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас. Шуни унутмаслик керакки, исломда диний бағрикенглик ва динлараро тотувлик юқори баҳоланиб, мусулмонлар билан бир жамиятда яшайдиган ва уларга озор бермайдиган бошқа дин вакилларининг қонини тўкиш гуноҳи азим саналади.

### 3. Ўзини ўзи ўлдирган шаҳид эмас

Шаҳидлик сўзининг мазмунига аниқ таъриф берилар экан, ўзини ўзи ўлдириш орқали террористик актлар содир этиш, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон жамиятига хос бўлмаган, умуман ёт иллатдир. Лекин шуни унутмаслик керакки, Шарқда ҳам, ғарбда ҳам ўзини ўзи ўлдиришга тайёр "ижрочи"ларни топиш ва уларни "шаҳид"ларга айлантириш мумкин.

Бу каби руҳияти заиф шахсларга "жаннат ҳузур-ҳаловатлари" ёки "мусулмонча адолат" шиорлари остида кучли таъсир ўтказиш қийин эмас. Бунда моддий рағбатлантириш ҳақида ёлғон ваъдалар ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Фаластинда "шаҳидлик" харидоргир товар бўлиб, ўзини ўзи ўлдириш орқали террористик акт уюштиришга рози бўлган шахслар катта пул (тахминан 20 минг АҚШ доллари) олиш билан бирга ўз оилаларининг молиявий таъминлаб қўйилишига кафолат оладилар. Шу ўринда Фаластиндаги радикал гуруҳлар балоғат ёшидаги йигитларни жаннатда уларга беҳисоб ҳуру ғилмонлар берилиши ҳақидаги сўзлар билан алдашини ҳам зикр этиш мумкин.

Ҳеч қандай дунёвий қийинчиликлар барча динлар томонидан гуноҳи азим ҳисобланадиган ва диндан чиқиш деб эътироф этиладиган ўзини ўзи ўлдиришни оқлай олмайди. Экстремистлар эса бу каби шахсларни "ислом ва халифа давлати барпо этиш йўлида қурбон бўлиш шаҳидлар даражасига кўтаради", деб алдаб, улардан ўз ёвуз мақсадларида фойдаланишга уринадилар.

### 4. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар

"Жиҳод" ва "шаҳид" амалиётлари каби салбий элементлар иқтисодий жиҳатдан етук, ўзларини демократик жараёнларнинг машъаллари деб ҳисобловчи давлатларда ҳам учрайди.

Зеро, "жиҳод" ғоялари нафақат мусулмон жамияти ҳисобланмайдиган АҚШ ва Испания давлатларида, балки ислом оламининг умумэътироф этилган марказлари ҳисобланган Саудия Арабистони ёки Мисрда ҳам ўз тарафдорларини топаётганини ташвиш билан қайд этиш лозим. 1990 йиллар ўрталарида Баҳрайнда Эрон модели бўйича ислом инқилобини амалга ошириш ҳаракати "жиҳод" ва "шаҳидлик" остида иқтисодий ва ижтимоий уқубатлар ётади, деган мулоҳазаларнинг нақадар заифлигини кўрсатди.

Шуни унутмаслик лозимки, сохта "жиҳод" ва "шаҳид" – террор ҳамда зулм ўтказиш орқали ўз сиёсий мақсадларига эришишга интилган сиёсий кучларнинг энг разил услублари ҳисобланади. Бу каби тактикани танлаган бузғунчи элементлар орқага чекиниш, халқ кечиримига сазовор бўлишга йўл йўқлигини яхши тушунишади.

### 5. Ислом халифалиги

Ислом халифалиги тушунчасининг том маъноси ва моҳиятини тушунмаган ҳолда унга кўр-кўрона интилиш ўта хавфли тенденциядир. Эътиборли томони шундаки, ислом аҳкомлари бўйича яшовчи Эрон ва Покистон ёки араб мамлакатлари ягона халифаликка бирлашмасдан ўзларини мустақил давлат деб эълон қилишган.

Нега унда халифалик қуриш ғояси Ўзбекистон ёки Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларига сингдирилмоқда ва бу халифа давлатида ким халифа бўлади? Бунинг жавоби ойдин. Ўз давлати сиёсий ҳаётидан четлаштирилган ва халқининг нафратига дучор бўлган турли радикал гуруҳлар вайронага айланган Афғонистонда паноҳ топди ҳамда ўша ердан туриб террор, жаҳолат уруғини сочиш орқали ўзларининг носоғлом интилишларини қондиришга уринмоқда. Халифалик қуришга интилар экан, улар мутлақо исломни тарғиб қилиш эмас, балки ўз тубан сиёсий мақсадларига эришишни кўзламоқда. Бунинг оқибатида жамиятда Қуръони Каримнинг "Фирқаларга бўлинманглар" талабига зид равишда фирқаларга бўлиниш, парчаланиш ва биродаркушликни келтириб чиқармоқда.

Экстремистларнинг халифалик қуриш йўлида жиҳодга чорлашларига кўр-кўрона эргашганлар ўз олдиларига оддий бир саволни қўймаяпти. Бу ажралганлар тўдасига бутун мусулмон уммати номидан бундай сиёсий чақириқларни ўртага ташлашга ким ҳуқуқ берди?

Агар Ўзбекистон мисолида уни талқин қиладиган бўлсак, ҳар қандай йўл билан ўз нафсини қондиришга уринаётган бир гуруҳ лўттибозлар эмас, балки 25 миллионлик мамлакат аҳолисининг амри вожиблигидан келиб чиқиш керак. Бу халқ ўз хоҳиш-иродасини мамлакат раҳбари ва халқ номзодлари сайловларида яққол намойиш этган ва бугунга келиб, ўзи олий ваколатни берган шахслардан Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлаб беришни талаб қилишга ҳаққи бор.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили



# Бу қаро кўз кимнинг зурриёди?

*«Оилада уч фарзандмиз», — деб ёзади яқиндагина турмуш қурган келинчак. — Синглим ва укам мактабда ўқишади. Ҳаётимда юз берган бир воқеа сабаб сизга юрагимдагини тўкиб солгим келди. Биз, гарчи отамиз тирик бўлсалар-да, отасиз ўсдик. Бувимнинг айтишларига қараганда, отам онам билан кимларнингдир ҳайбаракалласига учиб ажрашиб кетишган. Онам бизни ўйлаб турмуш қурмабдилар. Отам эса тез орада уйланиб, икки-уч фарзандли бўлишга ҳам улгурибдилар. Аммо у кишини мен ҳам, укаларим ҳам танимаймиз. Онам ўшанда аччиқ устида бизга бериладиган нафақадан ҳам воз кечган эканлар.*

Нолимаймиз, онамиз бизни ҳеч кимдан кам қилмай боқдилар, боқяптилар. Лекин бари-бир нимадир етишмасди. Ҳеч қачон бағри бут ўртоқларимиз қатори юракдан кула олмасдик. Мен мактабни битирдим. Олий ўқув юртига сиртдан ўқишга ҳам кирдим. Онам елиб-югуриб мени узатишга тайёргарлик кўрардилар. Мен эсам... ҳеч бўлмаганда, тўйим куни отам келиб кузатармикин, деган умид билан яшадим. Бу фикримни онамга айтдим. Қанчалар оғир бўлмасин, онам бояқиш не умидлар билан таклифноманинг биринчисини отамнинг номига ёздилар. Кўнглимдан эса мени едириб-ичирмаган, кийдирмаган бўлсалар ҳам, хонадондан чиқиб кетаётганда бўйнига осилиб йиғлаб хайрлашадиган одам — отам тўйга келсайди, деган ўй айланаверарди.

Тўй куни ҳамманинг табригини қабул қиляпману «Тўйга даданг келди», деган хушхабарнигина кутиб аланглайман. Келин-куёв иккимизни никоҳ маросимига йўллашиб, катталар фотиҳа беришяпти-ю, юрагимга қил сиғмайди. «Барибир улар орасида отанг йўқ-да», дея унсиз йиғлайди кўнглим. Шундай қилиб отам тўйга келмадилар...»

Изтироб билан битилган мактуб кишини ўйга толдиради. Уни ўқиб ойнаи жаҳоннинг «Ҳайвонот оламида» кўрсатувидаги бир ҳодиса кўз ўнгимга келди. Ўшанда эндигина болалаган буйвол (ҳўкизга ўхшаб кетаркан) бир боласини оёққа турғизиб, пода томон етаклайди. Шунда уч-тўрт қашқир тўдадан орқароқда қолаётган она-болага яқин кела бошлайди. Ҳозиргина туғиб, анча куч йўқотган она боласини қашқирлардан ҳимоя қилишга қанчалар уринмасин, ёлғизлик қилади. Шу топда пода орасидан норғулгинаси, юраги сездими, орқага қараб, аҳволни англади-да, важоҳат билан қашқирлар томон отилди. Унга эргашиб бешўн ҳайвон қашқирларга ҳамлага ошиқди. Тўпдан қўрққан йиртқичлар чекинишдан бошқа илож тополмади. Аҳволни шарҳлаётган муаллиф: «Ҳозиргина дунёга келган буйволча ва онасини эркак ҳайвоннинг уларга бўлган муҳаббати асраб қолди. У подани ортга бошлаган мана шу кичкинтойнинг отаси эди» деганди ёқимтой ҳайвон боласини экран олдига келтириб.

Одамни ҳайратлантирадигани шуки, ёруғ дунёнинг энг онгли мавжудоти — инсон баъзан ҳайвон қила оладиган ишга ҳам қодир бўлмайди-я! Отасиз, онасиз бўлса наилож, аммо улар ҳаёт бўла туриб қанча-қанча фарзандлар Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётгани ачинарли.

Фақатгина туманимизнинг ўзида ўтган йили 62 оилавий ажрим касридан юзлаб тирик етим асосан отасиз қолибди. Бу, судда кўрилганлари, холос. Аслида бундай ўксик қалблар минглаб. Балки улар юқоридаги мактуб эгаси каби моддий томондан қийналмас, аммо уларга ҳеч ким бера олмайдиган ота меҳри ўрнини ким тўлдиради? У бўлмаса, бошқаси дея яна бир «онаси ўпмаган»ига уйланиб, бола-чақа орттириб кетаётган эркаклар виждони қийналмасмикан? Уялганида, эркаклик ғурури мудрамаганида кўзи жовдираб турган боласини ора йўлда қолдирмасмиди?

Баъзан «Алиментини оляпти-ку?!» деган гап-сўзлар ҳам бўлади. Аммо бу ота меҳри ўрнини боса оладими? Бола кўксидаги ўксиклик доғини ювадими? Қаттиқ нон, қайноқ сув ичса ҳам, ота-она бақамти бўлиб, бир дастурхон атрофида ўтиришига нима етсин! Ҳаётий кузатишлар шуни тасдиқлаб турибдики, тирик етимликда улғайган одам катта бўлганда ҳам кўзидаги мунг муҳрланиб қоларкан. Бу унинг ота ёки она меҳрига тўймаганидан бўлса, не-ажаб.

Юртбошимиз 2004 йилни бежиз Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилмадилар. Бу фақатгина ёлғизлар, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш дегани эмас. Халқимизда аввал хеш, кейин дарвеш, деган гап бор. Югурик замон зайли билан ота-бола, она-бола, ака-ука, опа-сингил ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари таранглашиб бораётганини сезган Йўлбошчи бу йўлни тутган кўринади. Келинг, азиз замондош, ўтиб бораётган йилимиз қадим қадриятларимиз илдизлари Меҳр, Оқибат, Мурувват сувларидан баҳраманд бўлишида улуғ босқич бўлсин. Меҳрибонлик уйлари ҳувиллаб қолсин. Маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар қўмиталари, жамоатчилик оёққа туриб, тирик етимлик илдизига болта урайлик. Токи, асли инсон насли бўлган буюк мавжудот фарзанди кўзида мунг, қалбида доғ бўлмасин.

**Ҳадичахон КАРИМОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Охунбобоев тумани**
**«Истиқбол йўли» газетаси муҳаррири.**

# ХАТЛАР сўзлайди

### Изҳор

***Ижодкор жой танламайди, қаерда бўлмасин ижод қилаверади. Республика Бадиий академия аъзоси, «Чағониён» газетаси мусаввири Сувонқул Аҳмедов ҳам ана шундай ижодкорлардан бири.***

## Ёш мусаввирлар мамнун

Унинг саъй-ҳаракати билан Денов туманидаги Ш.Қобилов номли ширкат хўжалиги марказидаги бино таъмирланиб, ижод устахонаси ташкил этилди. Наврўз байрами кунларида унинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Денов тумани ҳокими А. Эшмуродов мазкур устахонадаги ижодий ишлар билан танишди. Бу масканда ёш мусаввирларнинг ижод қилишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Бундан улар жуда мамнун.

**Ўрол БЕКМУРОДОВ.**
**Денов тумани.**

### Таассуф

***Биз пахта ва ғаллачиликни ривожлантириш мақсадида ер майдонларимизни кенгайтирмоқчи бўлиб туман ҳокимлигига мурожаат қилдик.***

## Отангга бор, онангга бор



Аммо бизга ер ажратилмади. Бормаган идорамиз қолмади, охири атиги 1,46 гектар ер ажратиб, оғзимизга уришди.

Хўжалик учун зарур бўлган техника воситалари сотиб олиш мақсадида банкка мурожаат қилсак, «Ерингиз ўн гектардан кам экан», деган жавобни олдик. Очиғи, жуда сарсон бўлиб кетдик. Бошимизни қайга уришни билмай, сизларга ёзишга мажбур бўлдик.

**Тошмурод ҲАЙДАРОВ.**
**Нарпай тумани.**

### Кўнгил

***Биз, ака-сингиллар туманимиздаги Ҳ.Абдуллаев номли ногиронлар мактабида ўқиймиз.***

## Ногиронлик айбми?

Яқинда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида совринли ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлдик. Аммо омадимиз кулмади, тасвирий санъат бўйича билимимиз етарли эмас экан. Сабаби, бизда бу соҳада таълим берувчи ўқитувчи йўқ. Мутасадди ташкилотларга мураббий сўраб, мурожаат қилдик. Илтимосимиз жавобсиз қолди. Ахир ногирон бўлсак-да, рассомчиликка жуда қизиқамиз. Биз ҳам ютуқларга эришишни истаймиз.

**Сардор ва Гўзал**
**РАЙИМҚУЛОВлар.**
**Чироқчи тумани.**

### Умид

***Беш йилдирки, бир фирибгарнинг дастидан сарсонман. Онамнинг онасидан қолган уйга даъвогарлик қилаётган шахс бувим ҳаётлигида уйимизда вақтинчалик яшаганди.***

## Қози бўлсанг, одил бўл

Бувим оламдан ўтдию, у бизни уйдан ҳайдаб чиқарди. Мен фуқаролар йиғини фаолларининг маслаҳати билан туман судига ариза бердим. Иш судда адолатли, менинг фойдамга ҳал бўлди. Бироқ рақибимиз қарордан норози бўлиб, вилоят судига ариза берди. Суд сохта ҳужжатлар билан уйни ўзлаштириб олган фирибгарнинг тарафдори бўлди.



Бувим 48 йил яшаган уй ўз-ўзидан рақибимизга ўтиб қолди. Биз, етимлар ҳақини ҳимоя қиладиган одам топилмади. Шу боис ёрдам сўраб сизларга мурожаат қилмоқдамиз.

**Азимжон АРТИҚОВ.**
**Асака тумани.**

# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

### Мактубларни саралаб...

*Бугун терроризм аталмиш бало бутун инсониятга хавф солиб турган ҳолда унинг чексиз нафратига ҳам дучор бўлмоқда. Ахир энг катта бойлик — тинчлик, осойишталикка раҳна солувчи ҳар қандай куч Яратган ва халқ қаҳрига дучор бўлган ҳамиша. Ҳар биримизни даҳшатли туш каби сескантирган воқеалардан сўнг тинчликнинг, бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, ҳар қадам, ҳар ерда ҳушёр, огоҳ бўлиш ҳаёт талабига айланди. Буни таҳририятимизга келаётган мактублар билан танишганда ҳам пайқаш қийин эмас. Ана шундай хатлардан иқтибослар келтирамиз.*



### Бизнинг маълумот

**Биргина март ойи ичида таҳририятимизга Қорақалпоғистон Республикаси, юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳридан 150 га яқин хат-хабарлар келди. Буларнинг кўпчилигини ариза, шикоят хатлари, расмий жавоблар ташкил этади.**

**Таассуфли ери шундаки, кейинги бир ой ичида нима сабабдандир Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан келган шикоят хатлари сони кўп бўлди...**

## Огоҳлик — тинчлик гарови

«Бўлиб ўтган воқеалардан хабар топиб, қаттиқ ларзага келдим, — деб ёзади Наманган шаҳрида яшовчи Оқилхон Дадабоев. — Вужудида чин инсонийлик хислатини йўқотган, одам қиёфасидаги махлуқларнинг қабиҳ қилмишлари асло кечириб бўлмас жиноятдир. Халқимизнинг фаровон турмушини кўра олмайдиган кимсаларнинг жирканч ишларига бефарқ қараб туриб бўлмайди. Шу муқаддас заминнинг тузини тотиб улғайган фарзанд сифатида барча юртдошларимизни ёвузларга қарши ҳамжиҳат бўлишга чақираман. Ватан тинчлиги, ўз осойишталигимизни сақлаш масъулиятини қалбан ҳис этиб, доимо ҳушёр ва сезгир бўлайлик».

Тошкентдан мактуб йўллаган Юлдузхон Акбарова шундай ёзади:«Ўз халқига, маҳалладошига қилинган хиёнат кечирилмайди. Халқнинг кўз ёши эвазига бирор мақсадга ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Мен ва менга ўхшаган барча оналарнинг бузғунчиларга айтар икки оғиз сўзимиз бор — она юртимиз, азиз фарзандларимиз, халқпарвар Юртбошимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!»

Куни кеча эса лотин алифбосида битилган яна бир мактуб олдик. Унинг муаллифи Тошкент шаҳридаги 17- мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жавлонбек Йўлдошев қалбида кечаётган ҳисларини қоғозга тўкибди:

"Inson uchun ona Vatandan muqaddasroq maskan yo'q. Yurtimizni xonavayron qilmoqchi bo'layotgan jirkanch guruhlar qancha bosh ko'tarmasin, biz tomonda otalarimiz, qahramon akalarimiz bor. Terrorizm yer tishlashi shubhasiz. Ular hali bolaning ko'z yoshi, onaning nidosi, uyiga qaytmagan otalar uchun javob beradilar. Bir kun men ham ulg'ayaman, yurtimni jonimdan kechib bo'lsa ham himoyalashga tayyor turaman. Vatanni unutganlarni uvoli tutsin Vatanning!"

Шундай мазмундаги хатлар Б.Амиралиев, У.Ҳолмуҳамедов ҳамда бир гуруҳ қариялар (Тошкент вилояти), Ж.Тиловов (Яккабоғ шаҳри), Д.Алимова (Тошкент шаҳри), Ш. Ҳожиева (Жиззах вилояти) ва бошқалардан ҳам келди.

Тўғри, эл қадрини, муқаддас тупроқни топтамоқчи бўлганларни Ватан кечирмайди. Токи ўз тарихида бундан-да оғир синовларга дош берган халқ жипс ва ҳамжиҳат экан, ҳеч қандай куч уни танлаган йўлидан қайтаролмайди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ифтихор



*Ҳеч эсимдан чиқмайди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ўқитувчимиз эркин мавзуда иншо ёзишни топширди. Шунда «Менинг бобом чўлқувар» мавзусида иншо ёздим.*

*— Оббо сеней, бу гапларни қаердан топдинг? — дедилар бобом кулимсираб.*

*— Бувим ва дадамлардан сўраб билдим...*

## Оиладаги ибрат

Бобомнинг ёшлик йиллари очарчилик ва уруш даврига тўғри келган. Фронтда душманни Берлингача қувиб, қадрдон далалари бағрига қайтган бобом Фарғона чўлларини ўзлаштиришда тер тўкиб меҳнат қилганлар. Кейинроқ тумандаги хўжаликларда раис, жамоа раҳбари вазифасида ишлаб, кўпгина хайрли тадбирларни амалга оширганлар. Эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб, қатор унвонлар билан тақдирланганлар. Бобом нафақага чиққач ҳам фаолият юритишни давом эттирдилар. Мингбулоқ ва Тўрақўрғонда «Нуроний» жамғармасини шакллантиришда фаол қатнашдилар.

Яқинда туманимизда бобомнинг саксон йиллик юбилейлари нишонланди. Булар одамларга бўлган меҳр, қўлдан келганича яхшилик қилишнинг шарофатидир. Биз фарзандлар ҳам бобомдан ўрнак олишга, бугунги тинч ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, улардек юрт ҳимояси учун ҳамиша тайёр туришга интиламиз. Зеро, латиф фазилатли, меҳрли ва мард бўлиш сулоламиз учун азалий одат.

**Шерзодбек СОБИРОВ,**
**Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти магистранти.**

### Миннатдорчилик

***Биз янги уйга кўчиб келганимизда уйнинг электр тармоқлари тизими тегишли корхоналар томонидан қабул қилинмаган эди. Шу боис уч йил электр ҳақи биздан вақтида олинмади. Ниҳоят, ўтган йили охирига келиб, энг сўнгги тарифда ҳақ тўлашимиз талаб қилинди. Биз "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ва унинг назоратини олиб борувчи Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига мурожаат қилдик.***

## Ҳуқуқимиз ҳимояланди

*Аризамиз кўриб чиқилиб, истеъмолчилар ҳуқуқи чиндан ҳам давлат ҳимоясида эканига амин бўлдик. Чунки ариза билан мурожаат қилган кунимизнинг эртасигаёқ мазкур бошқарма мутасадди ходимлари биз, истеъмолчилар билан суҳбат ўтказиб, аризада кўрсатилган камчиликларни таҳлил қилиб, мутасадди корхоналарга мурожаат этишди ва биздан ўтган уч йил учун электр ҳақи эски тариф бўйича ундирилди. Газета орқали муаммомизни ижобий ҳал этишда кўмак берган мутасадди ташкилотларга миннатдорчилик билдирамиз. Фуқароларга эса "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонундан воқиф бўлишларини тавсия қилган бўлардик.*

**Бахтиёр МАҲКАМОВ**
**ва бошқалар.**
**Тошкент шаҳри.**

## Яхши ният — ёрти мол



Илҳом

Ҳусан Шукуровнинг асли касби қурувчи-муҳандис. Гўзаллашиб, кўркамлашиб бораётган шаҳримиз кўчаларида қад ростлаётган иншоотлар уни сира бефарқ қолдирмайди. Хаёлан ўзи ҳам нималарнидир "бунёд" этади, нималарнидир "кашф" қилади. Кўпдан буён ўй ўйлаб, хаёлида пишитиб юрган бино тархини у дастлаб шу тарзда (1-сурат) лойиҳалади. Кейин унга жило берди, пишитди. Кўриб турганингиздек (2-сурат), Чуст дўпписимисол — Ҳусанжоннинг кўпдан буён орзусидаги ажойиб бино "яралди".

— У уч қаватга мўлжалланган, — дейди Ҳ.Шукуров. — Кираверишда миллий чойхона бўлади. Кейинги қават шинам тўйхона, юқорида эса турли техник жиҳозлар жойлашади. Бу ҳозирча лойиҳа. Ниятим маҳалла марказлари, гузарларда миллий руҳиятимизни ифодаловчи ана шундай бинолар қурилса...

Нима ҳам дердик, орзуга айб йўқ. Қолаверса, яхши ният — ёрти мол, деганлар.

**Шаҳноза ЮСУПОВА.**

## Ҳунарга ҳавас уйғотиб

Халқимиз азалдан ўз фарзандларининг саводини чиқариш, бирор касб-ҳунар эгаси қилиб вояга етказишга астойдил интилиб келган. Илмли, ҳунарли бўлиш улуғ фазилат саналган. Чунки яхши эгалланган ҳунар энг мушкул дамларда ҳам муаммоларни ҳал қилишга кўмак беради.

Шу маънода республикамизда мустақиллик йилларида ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари биз каби ёшлар учун чин маънода катта имкониятлар эшигини очди. Улардаги ўзгаришлар, яратилган шарт-шароитларга ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Мен буни ўзим таҳсил олаётган Тошкент банк коллежи мисолида кўриб турибман.

### Фахр

Коллежимиз ўтган йили янги бинога кўчиб ўтди. Замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган ўқув хоналари, спорт майдончалари, янги дарсликларга эга талабалар бундай қулай шароитдан жуда мамнун.

Талабаларга билим бериш билан бирга белгиланган касб сирларини ўргатаётган устозлар ёшларнинг энг яқин маслаҳатчиси. Коллеж раҳбари Зайниддин ака Худойбердиев, шунингдек, Зулхумор опа, Дилбар опа каби устозлар ҳар қандай вазиятда бизга далда берадилар.

Бу фақат бир-икки талабанинг эмас, кўпчиликнинг фикри. Ахир шундай ғамхўр ва талабчан устозлардан сабоқ олиш, фикрдош дўстлар билан бирга ҳунар ўрганиш, яратилган имкониятлардан фойдаланиш кўнгилда кўтаринкилик, фахр туйғусини уйғотади.

**Дилмурод ЭГАМНАЗАРОВ,**
**талаба.**

### Пушаймонлик



## Билмайин босдим тиконни...

Ҳаёт инсоннинг бардоши, иймонини кўп синовдан ўтказаркан. Шундай дамларда кимдир сабр қилади, кимдир тақдирдан нолийди, яна биров уни осонгина енгиб ўтиш йўлларини излайди. Лекин кўргуликларга, ташвишларга баъзан инсоннинг ўзи, унинг хулқ-атвори сабаб бўлади. Мен бу ҳақиқатни жиноий жазоимни ўтаётган кезларимда тушуниб етдим. Агар вақтида жавобгарликка тортилмаганимда яна қанча хатоларга йўл қўйишим мумкин эди. Чунки шайтон васвасасига учиб, нафсни тиёлмаслик ҳатто ўз киндик қони тўкилган юртга, қон-қариндошига қўл кўтаришдек гуноҳи азимдан ҳам ҳайиқмайдиган қилиб қўяди кишини. Фикрларимга яқиндагина рўй берган мудҳиш ҳодисалар, бегуноҳ фарзанди қисматига чидолмай фарёд қилаётган онанинг ноласи далил.

Ҳадиси шарифда айтилганидек, қаттиқ пушаймон қилган инсоннинг гуноҳидан ўтилиб, тавбаси қабул қилинаркан. Мен оила аъзоларимни, ёр-дўстларимни ранжитганимдан изтиробдаман. Ҳозир туман ички ишлар бўлими раҳбарлари ва фуқаролар йиғини ёрдамида ишга жойлашдим. Ўз яқинларинг бағрида бўлишга не етсин.

**Умар ЖУМАНИЁЗОВ.**
**Хонқа тумани.**

